МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 17 декабрь, №103 (1070)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

## Сайловлар юксак савияда ва ошкоралик руҳида ўтишига ишонамиз

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни ўтказиладиган сайловларни кузатиш учун мамлакатимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари вилоятларда бўлиб, ушбу сиёсий тадбирга кўрилган тайёргарлик ишлари билан танишмоқда. ЎзА мухбирлари Тошкент ва Наманган вилоятига ташриф буюрган халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан қизиқди.**

**ЎзА мухбирлари Бекзод ҲИДОЯТОВ, Акрамжон САТТОРОВ ёзиб олди.**

**Натали КРИГЕР, ЕХҲТ масъул вакили (Германия):**

— Миссиямиз вакиллари шу кунгача Зангиота, Бўстонлиқ ва Қибрай туманларидаги сайлов участкаларининг муҳим жараёнга қай даражада тараддуд кўргани билан танишиб чиқди. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларни ўтказишга юқори даражада ёрдам кўрсатилгани, фуқароларга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат эканини тушунтириш борасида амалга оширилган ишлар, ташкил этилган семинар-тренинглар яхши самара берганига гувоҳ бўлдик.

ЕХҲТ кузатувчилар миссияси Ўзбекистонда ўтган олдинги парламент сайловларида ҳам қатнашган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги такомиллаштирилган. Бу энг юқори демократик талабларга тўла жавоб беради. Фуқаролар ўзлари истаган номзодга яширин тарзда овоз бериши учун янада кенг имкониятлар яратилган, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари кучайтирилган.

**Лариса ЮНКЕВИЧ, МДҲ кузатувчиси (Россия):**

— 86-Чирчиқ сайлов округида бўлдим. Сайлов участкалари қай тартибда ташкил этилгани, уларнинг сайлов жараёнига тайёргарлик ҳолати ва депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказгани ҳамда мазкур жараёнда илк бор қатнашаётган ёшлар билан нечоғли иш олиб борилганини ўрганиб чиқдим. Шунга амин бўлдимки, мамлакатингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда таъминлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган мустаҳкам тизим яратилган.

Участка жойлашган ҳудудлардаги кўчалар ва биноларда депутатликка номзодларнинг плакатлари ҳамда сайловчиларни овоз беришга чорловчи шиорлар осилган. Оммавий ахборот воситалари орқали юртингиздаги сиёсий партиялар вакиллари ва номзодларнинг чиқишларини, уларнинг сайловолди ташвиқоти ва баҳс-мунозараларини кузатдим. Бу жараён ғоят қизғин ва фаол ўтаётгани овоз берувчиларга муносиб номзодни танлаш имконини бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар орасида хотин-қизлар учун 30 фоиз квота белгиланганини жамиятингизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир. Ўзбекистонда бу борада эришилган ютуқлар ўрнак оларли даражада.

> [2]

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



## Оқилбекнинг олий мақсади

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида ўғил-қизларимизнинг қизиқиш ва интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун замонавий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

Ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейлар давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 22 майда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан ҳарбий академик лицейларга айлантирилди. Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи шулардан бири.

Мазкур даргоҳда келажакда Ватан ҳимоячиси бўлишга бел боғлаган ўқувчиларга ўттиз беш нафар тажрибали педагог, йигирмадан зиёд сержант ва офицер тегишли фанлар ва ҳарбий соҳа бўйича таълим-тарбия бермоқда. Лицейга ўқувчиларнинг танлов асосида саралаб олинаётгани ўқув жараёни савиясини кўтаришда муҳим омил бўлаётир.

Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилган. Ўқув-тарбия ишларида ёшларни ҳарбий касбга йўналтиришнинг самарали усулларидан, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётир. Ҳарбий қисмлар, сержантлар тайёрлаш мактаблари ва олий ҳарбий таълим муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик уларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ва ҳарбий хизматга оид билимини янада бойитмоқда.

> [2]

ДАСТУР ИЖРОСИ

## Услубий-амалий кўмак ва таъминот давом этади

**Юртимизда асрлар мобайнида шаклланган маҳалла институти истиқлол шарофати билан ўз тараққиётининг янги босқичига чиқди. Айни пайтда ушбу тузилма чинакамига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айланди.**

**Шуҳратжон КЕНЖАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари.**



Кейинги йилларда маҳалла нуфузини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинаётган қонун ҳамда қонуности ҳужжатларининг аҳамияти беқиёс. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастур ҳам айни мақсадни кўзлагани билан эътиборга молик.

Мазкур ҳужжатда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, йиғинлар фаоллари ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни услубий адабиётлар билан таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида тизим роли ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шу жумладан, халқаро ҳамжамиятга етказишга қаратилган чора-тадбирлар қамраб олинган. Дастур ижроси доирасида Наманган вилоятида ҳам тизимли ишлар амалга оширилаётир.

Бугунги кунда мавжуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 825 таси ўз биносига эга. Уларда соҳа ходимларининг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, жорий йилнинг ўзида учта фуқаролар йиғини учун янги иморат тикланган бўлса, 75 таси маҳаллий ҳокимлик ва ҳомийлар ёрдамида тўлиқ таъмирланди. Жумладан, Норин туманидаги бино замонавий андозага мос равишда реконструкция қилинди. «Тўлқин» ва «Бўритепа» маҳаллалари фаолларига эса «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси кўмагида замонавий типда янги бино қуриб берилди.

> [2]

ИФТИХОР

## Эзгу мақсад йўлида мудом ҳамжиҳат

**Юртбошимизнинг Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрига юксак давлат мукофоти — Амир Темур орденини топширгани воҳа аҳли қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.**

**Мадарт МЕНГНИЁЗОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими масъул котиби.**

Амир Темур ордени мустақиллик йилларида шаҳримиз аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган ютуқлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлашдаги самарали фаолият учун тақдим этилган юксак мукофотдир. Бу унвон ёшларимизни эзгу ва унутилмас қадриятларимиз, она-Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, касбга садоқат руҳида тарбиялашдаги эзгу хизматларнинг муносиб эътирофидир.

Термиз — тинчлик ва бунёдкорлик шаҳри. Зотан, республикамизнинг жанубий сарҳадида жойлашган бу шаҳар аҳолиси ёнгинамизда — қўшни мамлакатда юз бераётган нотинчликлардан яхши хабардор бўлиш баробарида, жонажон диёримизда ҳукм сураётган осойишталикнинг қадрини ҳам теран ҳис этади. Бирдамлик ва бунёдкорлик ишлари туфайли қад ростлаган кўркам бинолар, замонавий уй-жойлар юртдошларимизнинг мақсади эзгулигидан, ҳамжиҳатлигидан далолатдир.

Ҳудудда кўплаб спорт мажмуалари, санъат мактаблари, маҳалла гузарлари қурилиб, шаҳримиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Аҳоли учун барча қулайликларга эга «Турон», «Гулистон», «Шифокор» сингари маҳалла гузарлари қад ростлади. «Ўзбекистон», «Боғишамол» ва «Тупроққўрғон» фуқаролар йиғинлари гузарлари ҳам фойдаланишга топширилиш арафасида.

Воҳа ёшларининг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари учун маҳаллаларда зарур шарт-шароитлар яратилган. Натижада ўғил-қизларимиз жаҳон спорт ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтармоқдалар, давлатимиз мадҳияси баралла янграмоқда.

Бундай юксак натижаларга эришишда, албатта, Юртбошимиз ташаббуси билан қад ростлаётган спорт, маданият ва таълим масканларининг ўрни катта. «Сурхон» спорт мажмуаси, Термиз давлат университети, шошилинч тез тиббий ёрдам ва вилоят кардиология марказлари, «Бахт уйи», «Ёшлар маркази» ва 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янгидан бунёд этилгани шаҳар кўркига янада кўрк бағишлади. Бунёдкорлик ишлари нафақат Термизда, балки вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида жадал давом этмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Термиз шаҳри ўтмишда Соҳибқирон бобомиз Амир Темур барпо этган буюк ва қудратли салтанатнинг мустаҳкам қўрғони, таянчи сифатида шуҳрат қозонган. Бундай муқаддас масканда яшаб ўтган азиз авлиё ва муқаддас зотларнинг мақбаралари, бой маънавий меросимиз истиқлол йилларида обод қилинди. Тарихий иншоотлар мўътабар зиёратгоҳларга айлантирилди. Бугунги кунга шукроналик, эртанги кунга қатъий ишонч туйғуси воҳаликларни ибратли амаллар сари ундаётир.

Бугун эзгу ишларга собитқадам ҳар бир сурхонликнинг қалбида фахр ва ғурур мужассам.

ҚАРОР ВА ИЖРО

## Бағрикенглик ва инсонпарварлик ифодаси

**Ножўя қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириш, уларни тўғри йўлга тушиб кетишларига кўмаклашиш халқимизга хос фазилатлардан. Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор замирида шундай улуғ инсонпарварлик тамойили мужассам.**

**Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»**

Тошкент шаҳридаги Жазони ижро этиш бош бошқармаси 1-муассасасида қарор ижросини таъминлашга бағишланган тадбирда шу ҳақида сўз борди.

Бағрикенглик ва кечиримлилик билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, уларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади. Амнистиянинг суд томонидан қўлланилаётгани эса, инсон ҳуқуқларининг суд орқали самарали таъминланишини кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Сенатор ва депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(Омбудсман)нинг минтақавий вакиллари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби мутасадди идоралари ходимларидан иборат ишчи гуруҳи фаолияти амнистия акти ижросини таъминлаш, мазкур жараёнда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик, қарор мазмун-моҳиятини тушунтириш, бу борада ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган.

> [2]

ҚОНУН МОҲИЯТИ

## Жисмоний ва юридик шахс мурожаатининг ҳуқуқий кафолати

**Давлат ва жамоат ташкилотларига мурожаат қилиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи бўлиб, шу орқали аҳоли жамият ва давлат бошқарувида иштирок этади. Фуқаролар мурожаати уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.**

**Миравзал МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди.**

Жорий йилнинг 4 декабрь куни матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги бўшлиқни тўлдириш, соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарликни белгилашга қаратилган.

Беш боб, 31 та моддадан иборат ушбу қонунда унинг амал қилиши, кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги алоҳида қайд этилди. Чунки маъмурий жавобгарлик, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал муносабатлари бу соҳалардаги махсус қонунлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари, қонуннинг амал қилиши давлат органларининг, шунингдек, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

> [2]

МУРУВВАТ

## Беминнат ёрдам

**Мамлакатимизда «Меҳр-мурувват ойи» давом этаётир. Ойлик доирасидаги тадбирларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам фаол қатнашмоқда.**

**Н. ЮНУСОВА «Mahalla»**

Фонднинг республика бошқаруви томонидан пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани «Қоратош» маҳалласи 18-уй 8-хонадонда истиқомат қилувчи болаликдан ногирон М.Ўткировга 1 дона 1,89 млн. сўмлик компьютер жамланмаси совға қилинди.

— Имкониятларим чеклангани боис, билим эгаллашда тенгдошларимдан ортда қолсам керак, дея ўйланардим, — дейди М.Ўткиров. — Аммо мени йўқлаб, шундай қимматбаҳо, боз устига, энг замонавий компьютер совға қилишганидан бошим осмонга етди. Худо хоҳласа, бу ишончни оқлайман, бор ғайратим билан билим эгаллайман. Мен каби кўнгли ўксикларга мудом беғараз ёрдам бериб келаётган Фонд мутасаддиларидан миннатдорман.

Эзгуликка йўғрилган бундай мурувват тадбирлари жойларда давом этаётир.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# Оқилбекнинг олий мақсади

< [1]

Лицейда ўқувчиларнинг билим олиши билан бирга, спорт билан шуғулланиши, дам олиши, маданий-маърифий салоҳиятини ошириши учун барча шароит яратилган. Ўн тўрт мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази мавжуд. Компьютерлаштирилган замонавий ўқув хоналари лаборатория асбоб-ускуналари ва кўргазмали материаллар билан жиҳозланган.

Ёшларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун илмий, касбий ва ижодий тўгараклар, шунингдек, мерганлик, енгил атлетика, қўл жанги, миллий кураш, баскетбол сингари спорт секциялари фаолияти, ҳарбийлаштирилган спорт ўйинларини ўтказиш йўлга қўйилган. Спорт зали ва майдонида кўплаб спорт турлари ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.

Лицей ўқувчилари шаҳар ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган танлов ҳамда спорт мусобақаларида мунтазам совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Мисол учун, ушбу маскан ўқувчилари Баҳриддин Гобов «Энг фаол ёш маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови, Абдулазиз Раҳматов эса тарих фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг Тошкент шаҳри босқичида биринчи ўринни эгаллади. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида эркин кураш бўйича пойтахтимизда ўтказилган очиқ чемпионатда лицей ўқувчилари Мирзиё Ортиқов, Шоҳбоз Холёров, Алоуддин Худойбердиев ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилиб ўсган Шуҳрат Нарзуллаев лицейнинг фаол, изланувчан ва билимли ўқувчиларидан.

— Танлаган касбимни пухта эгаллаш учун хорижий тилларни ўрганиш ва қўл жанги бўйича мунтазам шуғулланишга ҳаракат қиляпман, — дейди Шуҳрат. — Мақсадим — олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириб, миллий армиямизнинг етук офицери бўлиш.

Лицей директори ўринбосари Ўринбой Бобоёровнинг айтишича, мазкур таълим даргоҳига умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар белгиланган тартибдаги синов имтиҳонларидан ташкил топган танлов асосида қабул қилинади. Ўқувчиликка қабул қилиш ихтисослик фанлари — математика, физика, тарих, она тили ва адабиётидан тест синовлари ҳамда жисмоний тайёргарликни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ҳарбий академик лицейлар битирувчиларига Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Давлат божхона қўмитаси тасарруфидаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имтиёзи берилиши белгиланган.

Лицейни 2013 йилда тамомлаган кўплаб ўқувчилар ана шу имтиёздан фойдаланган ҳолда юртимиздаги олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари сафига қўшилди. Жорий йилда ҳам улар қаторидан бухоролик Ғайрат Туропов, қашқадарёлик Шоҳруҳ Қутлимуродов, пойтахтлик Владислав Ан, Оқилбек Узоқов, сирдарёлик Жавоҳир Шербеков кабилар жой олди. Улар Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртлари, Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсилни давом эттирмоқда.

— Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга киришимда берилган имтиёз, лицейда олган таълим ва спорт билан мунтазам шуғулланганим қўл келди, — дейди Оқилбек Шербеков. — Танлаган соҳам бўйича етук кадр бўлиб, келажакда мамлакатимиз истиқлоли, эл-юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўзимнинг олий мақсадим деб биламан.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Сиёсий жараён қулай шароитда ўтади

**Жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтадиган сайловларга республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилояти маҳаллаларида қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**



**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 991 та маҳалла фуқаролар йиғинида тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Фуқаролар йиғинлари томонидан сайловлар тўғрисида аҳоли ўртасида 641 марта тушунтириш-тарғибот иши олиб борилди. Ушбу тадбирларга 22435 нафар аҳоли, шу жумладан, сайловда илк бор иштирок этадиган 3276 нафар ёш қатнашди. Уларда округ, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари муҳокама қилиниб, иштирокчиларга зарур тавсиялар берилди.

Шунингдек, маҳаллалар томонидан сайлов комиссияларига зарур шарт-шароитлар яратиб беришга кўмаклашилаётир. Бинолар атрофида ҳашарлар уюштирилмоқда. Айниқса, сайлов участкалари ташкил қилинган 19 та йиғин ҳудуди ободонлаштирилди. Хоналарнинг жиҳозланиши, иситиш тизимининг узлуксиз ишлаши назоратга олинган. Айниқса, участка сайлов комиссиялари аъзоларига сайловчилар рўйхатини шакллантиришда йиғин фаолларининг ҳиссаси катта бўлди.

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган ваколатлар ҳамда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жорий йилги сайловолди тайёргарлик ишларида фуқаролар йиғини фаоллигини янада оширди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бўка тумани бўлинмаси раиси Одил Ёқубов. — Тумандаги 42 та сайлов участкаси ҳамда еттита коллежда ўтказилган 20 дан зиёд тарғибот тадбирида сайловнинг очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Кўкорол қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда «Равот», «Бўстон», «Катта равот», «Учтепа» маҳаллаларидаги тарғибот тадбирларида ҳам сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди.

Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган 18-Бўстон сайлов округи биноси жиҳозланиб, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланди. Шу билан бирга, ҳудудда атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, сайловга оид баннер ва плакатлар ўрнатилди.

Фонднинг вилоят бўлими ҳамда бўлинмалари барча номзодларга, қайси партиядан кўрсатилганидан қатъи назар, тенг шарт-шароит яратиб бериш, сайлов кунига қадар 18 ёшга тўлган ёшларнинг рўйхатини шакллантириш, шунингдек, участка сайлов комиссиялари билан сайлов қонунчилиги тўғрисидаги тарғибот тадбирларини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига яқиндан кўмаклашмоқда.

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

# Сайловлар юксак савияда ва ошкоралик руҳида ўтишига ишонамиз

< [1]

**Ларс ТОЛЕМАРК (Швеция):**

— Мамлакатингизга келиб, Конституция ва бошқа қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқдим. Сайлов тизими ва уни ўтказиш жараёни тобора такомиллашиб бораётгани, қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат тамойилларига риоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар улкан самаралар бераётганига амин бўлдим. Бундай ўзгаришлар сайловларни ҳар томонлама юксак демократик савияда, уюшқоқлик билан ўтказишга хизмат қилади.

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳсинга сазовор.

**Мириам ГОМ, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар гуруҳи вакили:**

— Наманган вилояти сайлов комиссияси фаолияти билан танишдик. Мазкур сайлов комиссиясига шаҳарнинг энг муҳташам биноларидан бири ажратилгани, бу ерда яратилган ташкилий шарт-шароитлар сайловга яхши тайёргарлик кўрилганидан далолатдир.

Барча участкалар сайлов ўтказишга шай ҳолда. Жумладан, 44-Тўрақўрғон сайлов округидаги 371-сайлов участкасида сайловчиларнинг яширин ва эркин овоз бериши, сайловнинг очиқлик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтиши учун барча зарур шароит яратилган.

Сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказиладиган учрашувда сайловолди ташвиқоти, бунда сиёсий партиялар ва номзодларга яратиб берилган шароит ва имкониятлар, оммавий ахборот воситаларидан қандай фойдаланилаётгани каби ишларни кузатишни режалаштирганмиз.

Сайловга оид қонунларга кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, миллий қонунчилик асосларининг такомиллаштирилгани сайловлар адолатли, очиқ ва демократик руҳда, сиёсий курашлар остида ўтишига хизмат қилади, деб ишонамиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Бағрикенглик ва инсонпарварлик ифодаси

< [1]

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси, ишчи гуруҳи раҳбари Фарида Абдураҳмонова. — Мазкур қарор мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлганлар, шубҳасиз, қайта жиноятга қўл урмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият равнақига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Тадбир доирасида ишчи гуруҳи гувоҳлигида прокурор тақдимномасига кўра суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда эҳтиётсизлик оқибатида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этган, ижтимоий хавфи унча катта ва оғир бўлмаган бир гуруҳ маҳкумлар жазодан озод этилди.

— Қилган жиноятимнинг оқибатини англаб етдим, озодликнинг, оиланинг, хуллас, ҳаётнинг қадрига етишни ўргандим, — дейди Наманган вилояти Поп тумани Олим Тўраев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинидан Алишер Қодиров. — Ҳаётда ҳалол меҳнат қилиб, ризқ-рўз топиш, жамиятда яхшиларга ёндашиб яшаш, яхши ном қолдириш ҳақиқий бахт эканини тушундим. Қилмишимга қарамай, халқимизнинг, Юртбошимизнинг билдирган ишончларидан бошим осмонга етди. Озодликда бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, фақат эзгу ишлар билан Ватанимга, халқимга, оиламга хизмат қиламан. Маҳалла-кўйда муносиб хулқ-атворим билан айбимни ювишга ваъда бераман.

— Қилган жиноятим учун беш йилга озодликдан маҳрум этилгандим, — дейди Тошкент вилояти Паркент тумани Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Шуҳрат Туронов. — Юртимизда устувор бўлган инсонпарварлик, кечиримлилик туфайли озодликка чиқиб, уйимга қайтаяпман. Ўз уйинг, яқинларинг дийдоридан азиз неъмат йўқлигига, фақат ҳалол меҳнат қилиш энг тўғри йўл эканига энди амин бўлдим. Мен каби адашганларга нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик шубҳасиз яхшиликка ундайди. Бундан буён ҳалол меҳнат қилиб одамларга яхшилик кўрсатиб яшашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Таъкидлаш жоизки, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший, ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузурида махсус комиссиялар тузилган. Улар томонидан жазони ўтаб қайтган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши, ишга жойлашишига ёрдамлашилмоқда.

— Махсус комиссиялар ҳуқуқни муҳофаза қилиш, меҳнат, ижтимоий таъминот, давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда иш юритаётир, — дейди Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Азамат Бегалиев. — Айниқса, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларга тегишли тартибда моддий ва маънавий ёрдам беришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлиги қўл келмоқда.

Профилактика инспекторлари амнистия туфайли жазони ўташ жойларидан қайтган фуқароларнинг такроран жиноят содир этмаслиги учун улар билан яккама-якка суҳбат олиб боришаётир.

ДАСТУР ИЖРОСИ

# Услубий-амалий кўмак ва таъминот давом этади

< [1]

Шунингдек, 2012-2016 йилларда маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тузилган ҳудудий дастурлар ижроси дорасида ҳозирга қадар 717 йиғин компьютер жамланмаси, 736 таси юмшоқ мебель жиҳозлари тўпламига эга бўлди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида 103 маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 69 та маҳаллага мебель жиҳозлари олиб берилди. Айни вақтда Чуст, Норин, Косонсой туманлари, Наманган шаҳридаги барча фуқаролар йиғинлари шундай замонавий восита ва жиҳозлар билан тўла таъминланган. Йил охирига қадар бу кўрсаткични вилоят миқёсида юз фоизга етказиш чоралари кўрилмоқда.

Дастур асосида жорий йилда вилоятдаги 770 маҳаллада ўнтадан маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этиш режалаштирилган эди. Ўтган 11 ой мобайнида 1981 та шундай тадбиркорлик субъекти фаолият бошлади. Қувонарлиси, қолган шохобчаларнинг ҳам архитектура ечими ҳал этилиб, ташкилий-қурилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда йиғинлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мутасадди идоралар, тегишли ташкилотлар қатори маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари Наманган вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари сессияларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга доир 32 та масала муҳокама этилди.

Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамияти ҳақида фуқаролар йиғинларида икки мингдан зиёд тарғибот тадбири ўтказилди. Уларда 150 минг нафардан ортиқ соҳа ходимлари, маҳалла фаоллари, аҳоли ва ёшлар иштирок этди. Айни вақтда бу борадаги ишлар янада кучайтирилган. Чунки келгуси йилнинг қандай бошланиши бугунги кайфиятга, эришилган натижаларга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаолиятига кўмаклашишга доир ишларни изчил давом эттираверамиз.

ҚОНУН МОҲИЯТИ

# Жисмоний ва юридик шахс мурожаатининг ҳуқуқий кафолати

< [1]

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарар ўрнини ва маънавий зиённи қоплаш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ўз ифодасини топган.

Мазкур қонуннинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонундан фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат. Хусусан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари билан боғлиқ муносабатлар қонун йўли билан тартибга солингани, мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари орқали бериш мумкинлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари ҳамда уни ўтказиш вақти, жойи ва қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, мурожаатни қабул қилиш тартибини давлат органлари расмий веб-сайтларида эълон қилиш, уларни маъмурий бинонинг кириш жойларидаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахсларга етказиш каби қоидалар мустаҳкамланган.

Шунингдек, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда, қонунда белгиланган ҳолатдан ташқари, қабулни рад этишга ҳақли эмаслиги, қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан махсус техника воситалари (аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топган.

Давлат органлари раҳбарлари ёки ваколатли шахслар томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкинлиги, агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунича ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмаслиги ҳам «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

Мурожаатларга жавоблар мурожаат этилган тилда баён қилиниши, мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари меъёрларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак. Мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларига зид сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида мурожаатларни бир йилда камида бир марта умумлаштириши, таҳлил қилиб бориши кўрсатилган. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда бундай муддат белгиланмаган эди.

Таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда мутасаддилар томонидан сансалорлик ва расмиятчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаслик, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатлари учраб турар ва оқибатда мурожаатлар сони кўпайиб кетарди. Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида қонунда давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши чораларини шартлиги белгилаб қўйилди.

Қонунда, шунингдек, мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга, деган қоида мустаҳкамланди. Қонунга кўра, электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга шаклда бўлиши керак.

Қонун мурожаат этиш ҳуқуқларининг бир қатор кафолатларини ўзида мустаҳкамлаган бўлиб, унга кўра, мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмайди. Жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мурожаатлар туфайли аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатлари ҳам ўз ифодасини топган.

Қонунда мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланган. Унга кўра аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳамда қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб, мурожаатларни киритишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг қўшимча кафолатларини белгилади. Ушбу қонун давлат органларининг мурожаатларни кўриб чиқишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради.

ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

# Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал тотганинг

**Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманига йўлингиз тушса, боғлар, иссиқхоналарни кўриб кўзингиз қувнайди. Йўл четларига чиқариб қўйилган томорқа маҳсулотлари йўловчиларнинг эътиборини тортмай қолмайди. Ҳатто қиш ойларида ҳам бу жойлардан помидор, қовун, тарвуз, узумнинг энг сара навларини харид қилишингиз мумкин.**



**Санобар БОЙМУРОДОВА**
**«Mahalla»**

Қорақўтон Қамаши туманининг дашт қисмида жойлашган қишлоқлардан. Аҳолисининг аксарияти деҳқону миришкор. Бир вақтлар битта ниҳол кўкартиришнинг ўзи амримаҳол бўлган қизил тупроқли ердан мўл ҳосил олишни уддалаётган қорақўтонликлар бугун томорқа ортидан ризқ-рўз топиб, нафақат оиласи, балки ҳудуд ривожига ҳисса қўшаётирлар.

Жумладан, Худойберди Зарипов хонадонида иссиқхона қуриб, лимонария ташкил қилган. Деҳқон бугун ҳосилга кирган дарахтларининг ҳар биридан 60-70 килограммгача мева олиб, йилига ўн миллион сўмдан зиёд даромад кўраётир.

Тумандаги Узун қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам томорқачиликда яхши тажриба тўпланган. Айниқса, миришкор Аҳмад Қурбоновга етадигани йўқ. Ўттиз сотих ерда кўкатлар, пиёз, саримсоқпиёз, картошка, помидор, қовун-тарвуз етиштиришнинг ҳадисини олган деҳқоннинг дастурхони тўкинлиги томорқасидан. Даромади эвазига фарзандларини ўқитди, уйли-жойли қилди. Тиниб-тинчимаган А.Қурбонов 4 сотих ер майдонида иссиқхона барпо қилиб, унда мандарин ва лимон парваришлаб, аҳолини йилнинг тўрт фаслида ҳам мева-сабзавотлар билан таъминлаб келмоқда.

— Бундан 5-6 йил илгари 2 туп мандарин кўчатини эккандим, — дейди деҳқон. — Уч йилда ҳосилга кирди. Ҳар тупидан 10-15 кило мандарин олганимиздан сўнг уларни кўпайтириш фикри туғилди. Бундан ташқари, киви етиштиришга ҳам уриниб кўрдим. Бу ўсимлик 8 йилда ҳосилга кирар экан. Иқлимимизга мослашиши жуда қийин кечди, бироқ уддаладик. Энди апельсин кўчатларини парваришламоқчиман. Тупроғимиз олтинга тенг, унда ҳар қандай ниҳол ўсади, фақат ҳафсала ва меҳнат керак, холос.

«Гулшан» маҳалла фуқаролар йиғинидан фахрий ўқитувчи Абдуназар Эрназаров эса узумчиликда катта тажриба тўплаган. Самарқандлик миришкорлардан узум етиштириш сирларини ўрганган А.Эрназаров томорқасида ҳусайни, келинбармоқ навларидан 434 тупини парваришлай бошлади. Тинимсиз меҳнати эвазига айни пайтда 15 тоннадан ортиқ ҳосил олиб, қарийб 40 миллион сўм даромадга эга бўлаётир.

— Туманимизда аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш, уларга амалий кўмак бериш борасида бўлинмамиз ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Нуриддин Муҳиддинов. — Йиғин фаоллари ҳудудларидаги тажрибали деҳқонлар билан ҳамкорликда хонадонларда бўлиб, ёш оилаларга томорқачилик бўйича йўл-йўриқлар, маслаҳатлар беришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, томорқачилик маданиятини юксалтиришга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланиши, бозорларимизнинг тўкинлигига хизмат қилаётир.

СЕМИНАР

# Истиқбол режалари белгиланди

**Пойтахтимизда «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**



**Фарҳод ЭСОНОВ**
**«Mahalla»**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарининг вакилалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда аёллар манфаатини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, бандлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида таъкидланди.

Хотин-қизларнинг билим олишини, ўзи танлаган касб-ҳунарни чуқур ўзлаштиришини қўллаб-қувватлаш мақсадида кам таъминланган оилаларнинг қизлари турли касбларга бепул ўқитилмоқда. Ҳудудларда ташкил этилган ахборот-маслаҳат гуруҳлари томонидан жорий йилда 544 нафар аёлга тадбиркорликни ривожлантириш ва кредит олиш бўйича маслаҳатлар берилди. «Ахборот ойналари» ахборот, таълим ва маслаҳат хизматларини кўрсатмоқда. 525 нафар аёл ва ёшлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этилди. 120 нафар хотин-қизга имтиёзли микрокредитлар олиш ва тадбиркорлик ишини бошлашда амалий кўмаклашилди.

Бугун дунё миқёсида глобал муаммога айланган трансмиллий жиноятчилик — одам савдосига қарши кураш бўйича юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай жиноятларни келтириб чиқарувчи омиллар бартараф этилиб, одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилмоқда. Аҳолининг одам савдоси жиноятидан хабардорлигини ошириш бўйича 140 мингга яқин тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Одам савдосидан азият чеккан аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш, ижтимоий-тиббий, ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, касб-ҳунарга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Фуқаролар йиғинларидаги «Оилага кириш», «Саломатлик», «Бандлик», «Жиноятчилик профилактикаси» каби секторларнинг фаолияти кучайтирилгани иллатни ўз вақтида бартараф этиш имконини бермоқда.

Семинарда одам савдосига қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришнинг истиқболдаги режалари белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

ЮРГАН ДАРЁ

# Истиқболи истиқлолдан порлаган маскан

**Ҳар ҳафта шанба кунини орзиқиб кутаман. Боиси шу куни ёшлигимнинг энг ширин онлари ўтган жонажон маҳалламизга бораман. Бугун ҳам тонгни ўзгача кайфиятда қаршиладим. Дарс тугагач йўлга чиқдим.**




**Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Курсдошлар билан бекатгача келдик. Ётоқхонага борадиган қизлар трамвайни, мен эса «Жанубий вокзал — Буюк ипак йўли» йўналишидаги 80-автобусни кутдик. Автобусим кўп куттирмади, бирпасда «Буюк ипак йўли» метро бекатига етказди. Уловдан тушиб Янгибозорга борадиган машинага ўтирдим.

Йўллар ўша-ўша бўлса-да, кузатувларим бир-бирини такрорламайди. Мени яқинларимга туташтириб турган бу йўллар ҳар гал сурурли ўй-хаёллар ва гўзал манзараларга уйғунлашиб кетади.

Мирзо Улуғбек туманидаги Муҳаммад Юсуф номидаги кўча эътиборимни тортди. У «Олмачи» маҳалласида жойлашган. Кўча муюлишидаги «Sangzor» ресторани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ташқи кўриниши гўё нурли ёмғир ёғаётгандек безалган. Ресторандан унча узоқ бўлмаган жойда 3 қаватли «Top GYM» маркази жойлашган. Ҳар бир қаватида алоҳида хизматлар кўрсатилади. Масалан, иккинчи қаватда кийим-кечак харид қилсангиз, учинчисида шаҳарни томоша қилиб, спорт машғулотлари билан шуғулланишингиз мумкин.

Бектемир туманидаги «Бахт кўли» эса сокин мавжланади. Ёз фаслида болажонлар билан гавжум бўладиган кўл қиш келиши билан яхмалакдан либос кийиб олади. Энди унинг атрофида фақат қалбига таскин излаган инсонларни учратасиз. Унга ёндош тарзда яқинда қад ростлаган «Quyoshcha nuri» болалар боғида мактаб ўқувчилари қорбобо ясашмоқда. «Мажнунтол» маҳалласидан чиқишда чексиз кенгликларга кўзингиз тушади. Бу — Тошкент вилояти ҳудуди. Поёнсиз сарҳадлар айни дам поклик тимсоли чойшабида ором олмоқда. Олисдан улар уйқусига посбондек савлат тўкиб турган «оқсоч» тоғлар қад ростлаган.

Кетма-кет бунёд этилаётган интенсив боғдаги дарахтлар баргини тўкишга улгуришмаган кўринади. Ҳечқиси йўқ, бир йил, икки йилда бизнинг об-ҳавомизга мослашиб қолишади.

Юқори Чирчиқ тумани намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлардан бошланади. Савдо шохобчалари, болалар майдончаси ва «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини биноси уйғунликда бир бутунликни ҳосил қилган. Бу ердаги қулай инфратузилма хорижликларни ҳам ҳайрон қолдирган. Орқа ўриндиқда ўтирган ўрта ёшлардаги, хушбичим аёл шу ерга етганимизда тушиб қолди. Кўп юрмасингиздан ҳали қурилиши охирига етмаган уйлар эътиборингизни тортади.

Мана, Янгибозордамиз. Паркентга борадиган автоуловга жойлашдик. Бойқозон ҳудудидаги баъзи уйларни ҳисобга олмаганда Паркентгача аҳоли яшаш пунктлари кўзга ташланмайди. Боиси баҳордан то куз охиригача гавжум бўладиган бу ерларга фақат сукунат фаслида жимжитлик чўкади. Паркентга кираверишдаги Тадбиркорлик ва хизмат кўратиш касб-ҳунар коллежи ёнидаги кўчадан сал ичкарига кирсангиз, «Истиқбол» маҳалласи қаршисидан чиқасиз. Замонавий футбол ва теннис майдонлари, спорт мажмуаси ва унга ёндош тиббиёт бирлашмаси бир-бирига худди узукка қўйилган кўздек мос тушган.

«Файз» тўйхонаси яна бир висол оқшомига ҳозирлик кўрмоқда. Кентимиз деҳқон бозори ҳар доимгидек гавжум. Ноз-неъматларга тўла савдо растларидан истаганингизни топишингиз мумкин. Кимдир меваларнинг сарасини танлай олмай телефонда маслаҳат сўраётган бўлса, бошқа биров полиз маҳсулотлари нархини сотувчи билан келишолмай овора. Бозордаги баҳслар доимо қўл бериш, илиқ хайрлашиш билан якун топади. Ниҳоят, Паркент — Ҳисорак йўналишидаги таксилар қароргоҳидаман. Мени биринчи бўлиб чорлаган «Нексия»да уй томон ошиқдим.

Биз Қуёш шаҳарчаси бошланган жойда турамиз. Машинадан тушишим билан мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб симирдим. Кўчамиз бошига етмасдан маҳалладошларимизнинг гурунги эшитилди. Улар билан саломлашдим. Оқ рангдаги эшик бизники. Уйда ким бор экан?..

Йўллар узун, масофа олис. Аммо борар манзилим аниқ. Мана шу манзилдан эртанги ташланажак қадамлар мўлжали олинади. Шундай экан, манзилларимизда доимо хотиржамлик, ўзаро меҳр-оқибат барқарор бўлсин...

МАВСУМ ТАДОРИГИ

# Озиқ-овқат захираси шакллантирилди

**Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Боғолон» маҳалла фуқаролар йиғинида 2014-2015 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини шакллантиришда тадбиркорлар кўмаги қўл келмоқда. Айни пайтда бозорларда сабзавот ва полиз экинлари арзон нархларда сотилмоқда.**



**М. ЛАТИПОВА**
**«Mahalla»**

Аҳолининг куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўришида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар аъзоларининг ҳиссаси катта бўлади. Уларнинг ёрдамида ҳududдаги 11 нафар тадбиркор томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, кексаларга маҳсулотлар таннархида етказиб берилмоқда.

— Қишда айрим фуқароларимизнинг бозорга қатнаши бироз мушкулроқ, — дейди маҳалла раиси Ўрозбой Матмуродов. — Шу боис яккаёлғиз кексалар, беморларнинг уйларига кўчма савдо дўконлари орқали картошка, пиёз, ёғ ва бошқа маҳсулотлар бевосита фермерлар кўмагида етказиб берияпти. Бу имкониятлардан барчанинг бирдек баҳраманд бўлишида йиғинлар қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия раиси Раъно Норбоева бош-қош. Шунингдек, ҳомийлар кўмагида тўртта кам таъминланган хонадонга 376 минг сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Дарҳақиқат, ижтимоий кўмаклашиш борасида фаоллар, хусусан, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойбиби Ражабова асосий йўналишлар бўйича комиссиялар аъзолари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Қирққа яқин кўп болали, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оила ҳолидан хабар олиш, ғамхўрлик қилиш мақсадида уларга ҳомийлар бириктирилган.

Аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш мақсадида 6 та хонадонга 50 тадан парранда, 3 та оилага қорамол ҳадя қилинди. Бу хайрли ишларда, айниқса, «Жавлон», «Илҳом» фермер хўжаликларининг кўмаги катта бўлди.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

# Бунёдкорлик ҳар жабҳада намоён

**Ўзи яшаётган заминни обод қилиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Бугун бунёдкорлик, яратувчанликка интилаётган ҳар бир юртдошимиз мамлакат равнақи, эл тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилаётир. Биргина Бухоро вилояти Ғиждувон туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари фикримизга далилдир.**

**Абдуғани СУЛАЙМОН.**

Яқинда дўстларим билан дийдорлашиш, қадимий Бухоро шаҳрини зиёрат қилиш ниятида мазкур вилоятда бўлдим. Сафар асносида мустақиллик йилларида нафақат ҳудуд қиёфасида ўзгача кўрк-тароват, балки юртдошларимизнинг онгу шуури, қалб қўрида ватанпарварлик туйғуси, дахлдорлик ҳисси жўш ураётганига яна бир бор амин бўлдим.

Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда туман ҳокимлиги мутасаддилари саъй-ҳаракатлари натижасида айни кунда Ғиждувон чинакам обод масканга айланди. Жумладан, туман ҳокими ташаббуси билан умумий майдони 106 гектардан иборат интенсив боғ барпо этилиб, Германиядан келтирилган мевали ниҳоллар ўстирилаётгани, боғнинг гуллаб-яшнаётгани бу ердаги ёшу қари ободлик ва фаровонликка бирдек ҳисса қўшишаётганининг тасдиғидир.

Шунингдек, улуғ авлиёлар, мутафаккир аждодларимизнинг хоки қўйилган мазкур гўшанинг обод манзилга айланганини кўриб кўз қувнайди. Хусусан, ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳи қайта таъмирланди, зиёратга келувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Бафоқул Аслонов сингари ишбилармонлар нафақат оиласи иқтисодиётини, балки ҳудуд инфратузилмасини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бугун у раҳбарлик қилаётган мебель ишлаб чиқариш цехи ҳам вилоятдаги йирик корхонага айланиб, маҳсулотлари хориж бозорларини забт этмоқда. Корхонада меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлардир.

Юртнинг нечоғли ободлиги, аввало, унинг бозорларида намоён бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, Ғиждувон бозорини айланиб, халқимиз дастурхони тўкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, рўзғорини бутлаётган деҳқону миришкорлар етиштирган ҳосил расталарни тўлдирган. Юртбошимизнинг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилда тадбиркорлар ва харидорлар учун қулай бўлган бу бозорнинг янги биноси қурилиши бошланди.

«Хўжаи Жаҳон» бозори бошқаруви раиси Валижон Содиқовнинг айтишича декабрь ойининг охиригача қурилиш якунига етказилади, бозор мингта турғун савдо дўкони, шунингдек, икки қаватли маъмурий бино, мини банк, 32 ўринли меҳмонхона ва бошқа масканларни ўз ичига қамраб олади. Тадбиркорлар ва харидорлар учун яратилган қулайликлар тижоратнинг ривожи, бозорнинг равнақига хизмат қилиши тайин.









ЭЙ СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# Эгри йўлнинг сиртмоғи бор...

**Ёзнинг жазирама иссиғида кўпчилик тоғолди, соя-салқин жойларда ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилади. Наманган вилоятининг шимолий ҳудудида жойлашган Нанай қишлоғи ана шундай масканлардан.**

**Илҳомжон РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

— Нанайда дала ҳовлим бор, ёзда ижарага бермоқчиман. Вақтингиз бўлса, юринг, кўрсатаман, — деди бир куни Наманган шаҳридаги «Обиҳаёт» маҳалласида яшовчи Толиб Турғунов таниши Адҳам Шариповга (исм-шарифи ўзгартирилган).

Улар йўлга отланишди. Толибнинг қабиҳ мақсадини амалга оширишида, гиёҳфуруш Илҳом исмли «ҳожатбарор»идан қора дори олиб келишда «ҳолис ижарачи»А.Шариповнинг ҳамроҳлиги ҳар хил шубҳалардан ҳоли бўлишида қўл келарди. Чунки Нанай қўшни давлат билан чегарадош, йўлда назорат постлари бор. Эҳтиёткорлик зарар қилмайди.

Ана шу ўй-хаёллар билан манзилга яқинлашган Т.Турғунов назорат постини четлаб, А.Шариповни айланма йўллар билан Янгиқўрғон туманидаги «Қизилёзи» маҳалласига яқин жойдаги ҳали қурилиши тугалланмаган бинолардан бирига олиб кирди, ўзи вақтдан фойдаланиб, панада жиноий шеригидан марихуана харид қилди. Қора дорини кийимлари орасига бекитди, бироқ чегарачиларнинг ҳушёрлиги боис сувдан қуруқ чиқолмади. Олиб борилган тезкор тадбирлар жараёнида Т.Турғуновнинг ёнидан 195 грамм гиёҳванд модда ҳамда 700 АҚШ доллари топилди. Оқибатда 33 ёшли йигит одил суд ҳукмига кўра жазога тортилди.

— Т.Турғуновнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатини кузатиб, жамоатчилик аралашуви билан уни бир неча бор огоҳлантиргандик, — дейди «Обиҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Қодирхон Низомбоев. — Қолаверса, ишга жойлашишига ҳам кўмаклашгандик. Афсуски, тушунтиришларимиз, амалий ёрдамларимиз самарасиз кетди. Шундан келиб чиқиб, ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни кучайтирдик. Тажрибали педагоглар, зиёлилардан иборат тарғибот гуруҳининг имом-хатиб, меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказаётган давра суҳбатлари, учрашув-мулоқотларининг таъсирчанлиги ошмоқда. Бундан ташқари, ҳар ҳафта фаоллар, кўча бошлиқлари билан йиғилиб, маҳалладаги мавжуд аҳвол таҳлил қилинмоқда. Профилактика инспектори Яҳёхон Жўраев, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ҳамкорлигида жиноятга мойил шахслар, айниқса, вояга етмаганлар билан алоҳида шуғулланяпмиз.

Бундай тизимли ишлар натижасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 тага камайди. Аммо бу натижа хотиржамликка берилишга асос бўлолмайди. Шаҳардаги 10 га яқин таълим муассасаси, 70 дан зиёд корхона, ташкилотни ўзига жамлаган мазкур фуқаролар йиғини фаоллари ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, профилактик-тарғибот ишларини янада кучайтиришга астойдил киришган. Зеро, бир кишининг билиб-билмай босган эгри қадами фақат оиласи, қариндош-уруғ ва маҳалласи шаънига путур етказиб қолмай, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ҳам салбий таъсирини кўрсатади.

КЎРИК-ТАНЛОВ

# Суратларда акс этар Ватан



**Тошкент вилояти Янгийўл туманининг Муқимий номидаги маҳалласида «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиорини мужассам этган расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

■ **Аброр УБАЙДУЛЛАЕВ.**

Асосан маҳалла ёшларини қамраб олган танлов она-Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғусини кучайтириш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини ёш авлодга кенгроқ тарғиб этиш, уларнинг маънавий, интеллектуал салоҳиятини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

— Маҳалламиз байналмилал масканлардан, — дейди фуқаролар йиғини раиси Фания Каримова. — Унда турли миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил-иноқ яшаб, миллий урф-одат ва анъаналарини эмин-эркин давом эттираётир. Бугунги тадбир иштирокчиларининг ижодий ишини кузатсангиз, уларда «Шу азиз Ватан — барчамизники!», деган даъватга гувоҳ бўласиз. Кичик мактаб ёшидаги болалар ҳам иштиёқ билан қатнашадиган бундай тадбирлар ўғил-қизлар онгида ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашига ишонч ҳосил қиласиз.

Ватан мадҳи, она табиат манзаралари, бетакрор анъаналар акс этган суратларни баҳолашда ҳар бир иштирокчининг ўзига хос қараши, шаклланаётган тасвир услуби борлиги таъкидланди, болаларга хос ижодкорлик, мушоҳада эътиборга олинди.

Танлов якунида тумандаги Саноат ва технология касб-ҳунар коллежи 1-босқич талабаси Мадина Муҳамедшина 1-ўринга лойиқ топилди. 2-ўрин ҳудуддаги 67-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Нигора Турдалиевага, 3-ўрин ҳам шу мактабнинг 4-синф ўқувчиси Шаҳноза Зиёдуллаевага насиб этди. Кўрик-танлов қатнашчиларига ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари топширилди.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

# Боботоғнинг азми қатъий, шижоатли фарзанди

**Спортнинг муайтай ва комбат айкидо йўналишлари бўйича икки карра жаҳон, уч карра Ўзбекистон чемпиони Аббос Раҳматуллаев Шўрчи туманидаги «Боботоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади.**

■ **Нигина ШОЕВА «Mahalla»**



1996 йилда туғилган Аббос болалигидан спортга ошно тутиниб, тенгдошларига одоби, интилувчанлиги билан ибрат бўлди. Устози Ҳусан Эшбоевдан спортнинг мазкур турларига оид сирларни пухта ўрганган ўсмир илк бор етти ёшида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида иштирок этиб, етти нафар рақиби устидан ғалаба қозонганди. Шундан сўнг у машғулотларда ҳам руҳан, ҳам жисмонан тобланди ва муайтай бўйича Тошкент шаҳрида ўтган Жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллади. 2011 йили комбат айкидо йўналишида Ўзбекистон чемпиони бўлди.

— Биз ёшларнинг баркамол вояга етиши учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд, — дейди Аббос Раҳматуллаев. — Вақтимизни мазмунли ўтказиш учун спорт билан шуғуллансак, жисмонан бақувват, руҳан соғлом бўлиб улғаямиз. Юрт шаънини ҳимоя қилиб, ўзбек йигитлари нималарга қодир эканлигини жаҳондаги тенгдошларимга намоён этаман. Бундан кейин ҳам юртимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямиз жаранглаши учун астойдил ҳаракат қиламан. Ўз устимда янаям кўпроқ ишлаб, энг нуфузли халқаро мусобақаларда фақат ғалаба учун майдонга тушаман. Жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни муқаддас бурчим деб биламан.

У тинимсиз машқлар туфайли илк бор 10 ёшида Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлган. Ўша пайтда «Албатта, жаҳон чемпиони бўламан», деб аҳд қилган қаҳрамонимиз 2013 йилда бу ниятига эришди. 2014 йил эса Аббос учун омадли келди: март ойида Таиландда 18 та давлат спортчилари ўртасида бўлиб ўтган мусобақада муайтай бўйича биринчи ўринни эгаллади. 2014 йилнинг 1-4 ноябрида Милан шаҳрида ўтган мусобақада ҳам 81 кг. вазнда майдонга тушган спортчи муайтай бўйича биринчи, комбат айкидода иккинчи ўринни эгаллади.

Ўз иқтидори ва маҳоратини ошириб, халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган Аббос Раҳматуллаев маҳалланинг ифтихори.

— Ҳар бир ота-она учун фарзанди камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди унинг отаси Абдумалик Мелиев. — Аббоснинг спортга қизиқишини дастлаб оддий бир ҳавас, деб ўйлагандик. Аммо интилишини қўллаб-қувватлашдан қочмадик. Буни қарангки, ўғлим бугун чемпион. Акасининг ютуқларидан қувонган Акбар ҳам комбат айкидо билан шуғулланмоқда. Юртбошимиз томонидан ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самараси бу.

Дарҳақиқат, бугун Аббос сингари ёшлар эришаётган ютуқлардан нафақат уларнинг ота-онаси, барчамиз фахрланамиз. Зеро уларни эл-юрт алқайди. Шуларни дилдан ҳис қилган Аббос Раҳматуллаев навбатдаги чемпионатга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

# Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик

**Мен онамни эслолмайман. Мактабга чиқадиган йилим дадам ҳам оғир касалликдан вафот этиб, кекса бувим билан ёлғиз қолдим. Бу йўқотишлар туфайли болалигим оғир кечган бўлса-да, хотирамда эслашга арзирли, нурли воқеалар жуда кўп. Бу воқеаларнинг аксарияти, айнан жонажон маҳаллам, меҳрибон маҳалладошларим билан боғлиқ.**

Вояга етарканман бувимнинг мункиллаб бораётганини кўриб, у вафот этса, мен нима қиламан, қандай яшайман, деб ташвишланардим. Ахир, ўзимни эплолмасам, уй ишларини бажаролмасам. Гоҳида бувимнинг илтижоларини эшитиб қолардим: «Эй худо, тўрт мучаси соғ бўлсаям майлийди, ёлғизгина ёдгоримнинг мендан кейин ҳоли нима кечаркан?!»

Аслида соппа-соғ туғилган эканман. Аммо фалокат туфайли шу аҳволга тушганман: икки яшарлигимда онам икковимизни машина уриб кетган. Оғир аҳволда шифохонага келтиришган. Онамнинг ўша куниёқ жони узилибди, менинг эса, узоқ даволанишлардан сўнг бир қўл, бир оёғим аранг ҳаракатга келган. Дадам қўлтиқтаёқда юришни машқ қилдиргани ёдимда. У кўчага ўйнатгани олиб чиқар, тенгдошларимга қўшилиб юришимни истарди. Бувим мени ўқишда орқада қолмасликка ундарди. Ўн тўрт ёшимда у ҳам ёруғ дунёни тарк этди.

Кейин билсам, васийлик органлари ходимлари менинг тақдирим борасида маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар билан маслаҳатлашибди. Оқсоқоллар «катта бир оиланинг шугина ёдгори»ни ўзлари тарбиялашга, уйимиз чироғини ўчирмасликка қарор қилишибди. Шундан сўнг ён қўшнимиз Холида янга билан Ҳамид ака мени тўрт нафар боласи қатори оқ ювиб, оқ тараб тарбиялашди.

Бир куни маҳалламиз раиси ҳолимдан хабар олгани келиб, Қосим акага шогирд тушишимни маслаҳат берди. Қосим уста уй-рўзғор буюмларини тузатар, юмуши кўплигидан қўли-қўлига тегмасди. Устахонаси шундоққина қишлоққа кираверишда. Аравачамда етиб бордим. Уста мени илиқ кутиб олди. Аста-секин ҳунарни ўргата бошлади. «Шуҳратжон, — дерди баъзида устозим тушкунликка тушгудек бўлсам. — Инсон ношукр бўлмаслиги керак. Икки қўлда бажариладиган ишни битта қўлда ҳам уддаласа бўлади, оёғи бутунлар бир зумда етган манзилга сал секинроқ борилса ҳам зиён қилмайди. Муҳими, кишининг ақли соғлом, виждони уйғоқ бўлсин. Юртига зиёни эмас, фойдаси тегсин. Имон, садоқат, эзгу амал билан киши элнинг ҳурматини, меҳрини қозониб, умр йўлларини безайди». Устозимнинг бу гапларидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Устадан ўрганганларим асқатиб, уйимиздаги эски видеомагнитафонни тузатдим. Ўша куни тасмаларга муҳрланган хотиралар — ота-онамнинг никоҳ тўйи, мен дунёга келган кундаги шодиёналар, оилавий тантаналарни кўриб, ўзимда йўқ қувондим. Демак, шундай хурсандликни бошқаларга ҳам улашиш қўлимдан келаркан-да!

Шу-шу бу ишга шўнғиб кетдим. Бир куни маҳалламиз раиси елкамга қоқиб, мамнун бўлди: «Баракалла, азамат, яша! Раҳмат сенга!», дея алқади. Ҳозир бу гапни кўпчиликдан ҳар куни эшитаман. Айни пайтда йигирма тўрт ёшдаман. Ўзимнинг мўъжазгина устахонам бор. Даромадим чакки эмас. Бундан ташқари, давлатимизнинг беминнат ёрдами — ногиронлик нафақасини ҳар ой олиб турибман. Маҳалламизда тез-тез ҳашар уюштирилади. Бу йил баҳорда уйимни таъмирлашди. Қиш олдидан эса том ва печкадаги носозликларни тўғрилаб беришди.

Мен йигит кишиман, ғururим баланд. Бундай олижанобликни қадрлайман, албатта. Ўз ўрнида қўлимдан келган ёрдамимни маҳалладошлардан аямасликка интиламан. Қизиқувчан йигитчаларга ҳунаримни ўргатаётганим, носоз буюмларни тузатиб, қишлоқдошларимнинг корига яраётганимдан мамнунман.

Ҳа айтганча, яна бир муҳим гап бор: янги йил арафасида тўйимиз белгиланди. Қишлоғимиздаги яхши бир оиланинг оқила қизи билан тақдирим боғланмоқда. Никоҳ тўйимизга яна маҳалладошлар, фаоллар бош-қош бўлмоқда.

...Жуда оз фурсат қолди. Яқинда бизнинг ҳовли меҳмонга тўлади, карнай-сурнай садолари янграб, ғам-аламдан мунғайган уйимизга шодлик, бахт-саодат кириб келади. Меҳрибонларимнинг руҳи ана шунда таскин топади, деб умид қиламан. Айниқса, бувижонимнинг беҳудага хавотир олгани, «ёлғизгина ёдгор»и эл-юртига кераклиги, меҳрдан баҳрамандлиги аён бўлади. Ҳаётимда нурли саҳифалар очган, ўксик қалбимга дармон бўлган маҳаллам, яхши одамлар омон бўлсин!

■ **Шуҳратжоннинг сўзларини Ю.ҲОЖИЕВА оққа кўчирди.**

МАСЛАҲАТЧИ — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ

# «Меҳрдан ошён, бахтдан толе яралса, дейман»...

**...У ҳар кун эрта тонгда ишга отланади. Йўл-йўлакай кўча бошлиқлари билан хабарлашади, посбонлар сардоридан ҳудуд осойишталигига оид маълумот олади. Кейин гузар ёқалаб идорага йўл олади. Гузар доимо гавжум. Бу ерда маҳалладошлар билан кўришиб-сўрашиб, ҳудуддаги вазиятдан хабардор бўлиш мумкин. Кейин эса маҳалла фаоллари, кайвонилар билан учрашиб, айни шу куни маҳаллада ўтказиладиган тадбирга тайёргарлик билан қизиқади.**

■ **Бахтиёр РИЗО.**

Ҳа, Ўзбекистон туманидаги Нурсух қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Анорхон Дадажонованинг ҳар куни шундай эзгу юмушлар билан бошланади. Кун давомида бажариши лозим бўлган ишлари эса бисёр: ўрталарида гап қочган қадрдонларни яраштириш, нотинч оилалардаги вазиятни ўрганиш, аёлларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш, хонадонларга кириб аҳолининг турмуш тарзи, кексаю ёшнинг саломатлигини суриштириш...

— Каттаю кичик билан муносиб тарзда муомала қила билиш маслаҳатчи ютуғидир, — дейди А.Дадажонова. — Маҳалладошларим — жон-жигарларим, мен учун бири қош бўлса, бири кўз. Улар қийналса, оғриса, уйида нотинчлик юз берса мен ҳам беҳаловат бўламан. Шу боис муаммоларга узил-кесил нуқта қўймагунча, ором ололмаймн. Баъзан энди ишларни тугатдим, деб турганимда, қўлида гўдаги билан эри ёки қайнонасидан нолиб бирор-бир келинчак кириб келади. Ҳаётнинг пасту баландини ҳали пухта билмаган ёш келинларга шунчаки маслаҳат, насиҳат беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларга, аввало, маслаҳатчининг ўзи чинакам намуна бўла олиши лозим. Қолаверса, ҳаёт сўқмоқларидан адашмаслиги, болажонларнинг тирик етимга айланмаслиги учун ўрни билан қаттиққўл бўлиш, таъсир ўтказа олиш ҳам даркор. Энг муҳими, оила бузилмасин, болалар бахтиёр улғайсин. Шундагина зиммамиздаги бурч ва масъулият, ишонч ва ҳурматни оқлаган бўламиз.

Қишлоқ оралаб борарканмиз, бунёдкорликлардан кўзимиз қувнайди. Кейинги йилларда кўркам қиёфа касб этган йиғиндаги энг муҳим ўзгариш — бу фуқароларнинг дунёқарашининг янгиланаётганидир. А.Дадажонованинг ғурурланиб айтишича, дастлаб кишиларни бирор тадбирга чорлаш, бирор мақсад ёки хайрли иш учун бошини қовуштириш қийин кечган. Ҳозир эса идора эшигидан одам аримайди. «Янгиликлар борми?», «Бизга нима хизмат?», «Бирор ёрдамимиз тегсин», деган гапларни эшитиш маҳалла фаолларига мамнунлик бағишлайди.

Йиғин қошида ташкил этилган «Ораста қизлар давраси» тўгараги аъзолари кун сайин ортиб бормоқда. Қизларни турмушга тайёрлашда беқиёс аҳамият касб этаётган бу машғулотларни ташкиллаштиришда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари ҳам маслаҳатчи билан бирдек жон куйдиради. Нурсухлик фаоллар аҳолини чорлаб тез-тез уюштириб турадиган маънавий тарғибот тадбирларида оила деб аталмиш муқаддас даргоҳни кўз қорачиғидек асраш, аёллик, оналик масъулияти, фарзанд тарбиясидаги мезонлар, саломатлик ҳақидаги фикр-мулоҳазалар айтилади. Бунда маслаҳатчи тарғибот таъсирчанлигини оширишда ҳамкорлар кўмагидан унумли фойдаланади. Жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси бош мутахассиси М.Алишерова, «Нурсух» қишлоқ врачлик пункти шифокори У.Бобораҳимова, тумандаги таълим муассасалари ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари долзарб масалалар бўйича аҳолининг билим ва кўникмасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдалар.

А.Дадажонова фаолиятини кузатиб куну тун эл юмуши, оилалардаги тинчлик ва осойишталик ташвиши билан ёниб яшаётган маслаҳатчига ҳурматимиз ошди. Зеро, шундай фидойи инсонлар бор экан, маҳаллаларда ўзаро меҳр-мурувват қанот ёзаверади.




## Келишувга эришилди

**Перу пойтахти Лимада 190 давлат вакиллари иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилиш бўйича 48 соат давом этган музокаралардан сўнг келишувга эришдилар.**

Келгуси йил Парижда ўтадиган саммитда тақдим қилинадиган миллий мажбуриятлар асоси тасдиқланган. Анжуманнинг асосий вазифаларидан бири атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар миқдорини камайтиришдир.



Олимлар фикрича, бу глобал исиш кўрсаткичини 2 даража паст ушлаб туришга имкон бериши керак. Глобал иқлим исишига атмосферага кўп миқдордаги иссиқхона газлари чиқарилаётгани сабаб бўлаётир. Оқибатда табиий офатлар кўпайиб, қишда ҳаддан зиёд совуқ, ёзда эса ҳарорат меъёрдагидан кўтарилиб кетмоқда.

## Амалиёт ниҳоясига етди

**Австралия полицияси Сиднейдаги кафеда гаровдагиларни озод қилиш амалиёти тугаганини маълум қилган.**

Жароҳатланганлар ҳақида турли хил маълумотлар берилмоқда. «CNN» мухбирларининг хабар беришича, икки киши ҳалок бўлган. «Sydney Morning Herald» газетасида қайд этилишича, тўрт киши яраланган.




Жами 17 кишини 16 соат давомида гаровда ушлаб турган эронлик 50 яшар Ман Харон Монис эса полиция ишғоли пайти ўлдирилган. Унинг бошқа шериклари бўлмагани айтилмоқда. Австралиядан сиёсий бошпана олган бу шахсга олдинроқ жинсий зўравонлик бўйича айблов илгари сурилган ҳамда у гаров пули эвазига очиқда юрган. Шунингдек, Монис чет элда ҳалок бўлган австралиялик ҳарбийларнинг оилаларига таҳдид ва ҳақоратли сўзлар билан хат йўллаганликда ҳам айбланган.

Янги Жанубий Уэльс полицияси комиссари Андрью Ссипион мазкур воқеа ҳали террорчилик хуружи сифатида малакаланмагани, бироқ бунинг теракт экани истисно ҳам қилинмаётганини билдирган.

■ **Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

# «Билмаган ўз қадрини не билсин сўз қадрини...»

**Ҳазрат Алишер Навоийдан кейин ўзбек адабиёти тарихида ижодининг кўламдорлиги жиҳатидан Огаҳий алоҳида ўрин тутади.**

У ўзидан йигирма минг мисрадан ортиқ шеърлар, олтита тарихий ва ўн тўққизта таржима асар — бой маънавий мерос қолдирган. Шоирнинг исми Муҳаммад Ризо, «Огаҳий» унинг адабий тахаллусидир. «Огаҳий» «огоҳ» сўзидан олинган бўлиб, зийрак, ҳар нарсадан хабардор, деган маъноларни англатади.

Муҳаммад Ризо 1809 йилнинг 17 декабрида Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилди. Амакиси машҳур шоир ва давлат арбоби Шермуҳаммад Мунис хонликнинг бош мироби вазифасида хизмат қилган. Мунис вафот этгач, ушбу масъулиятли лавозимга 20 ёшли Муҳаммад Ризо тайинланади. У сув ишларини бошқариш билан бирга сарой муаррихи ҳам эди. Машаққатли, синовларга бой умр йўлини босиб ўтганига қарамай шоир бадиий ижоддан тўхтамади, гўзал асарлар яратди, кўплаб қўлёзмаларни она тилимизга ўгирди. Огаҳий 1874 йили вафот этди.

Шоирнинг шеърияти мавзу ва жанрига кўра ранг-баранг. Юксак ишқий-тасаввуфий ғоялардан ташқари, ижтимоий, таълимий-ахлоқий мавзулардаги асарлари ҳам бисёр. Аксарият шеъру ғазаллари мумтоз қўшиқларга айланиб, халқимиз қалбидан муносиб ўрин эгаллаган. Қуйида Огаҳий ижодиётидан айрим намуналар ўқийсиз. Уларда барча замонда зарур инсоний фазилатлар улуғланади.

✦ ✦ ✦

*Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,*
*Қаноат айлаким, ул рутба осори қаноатдир.*

✦ ✦ ✦

*Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қимматбаҳо,*
*Они хор этма, дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонға сўз.*
*Билмаган ўз қадрини не билсин сўз қадрини,*
*Ҳайфдир доно демак, нодону беирфонга сўз.*

✦ ✦ ✦

*Илоҳо, ҳар кунинг наврўз бўлсин!*
*Ҳамиша толеинг феруз бўлсин!*

✦ ✦ ✦

*Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар,*
*Икки олам обрўйин ҳосил эткай шоҳлар.*
*Огаҳий, қил огаҳинг дуои давлатин*
*Ки, анга аркони давлатдур ҳама огоҳлар.*

■ **Шаҳина БОНУ тайёрлади.**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32,
Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46,
Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Хожиева
Нашр навбатчиси: Э.Боймирзаев

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
*Босмахона манзили:*
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 19985 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1609 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00